



## ҚИШЛОҚ, ҰРМОН ВА БАЛИҚ ХҲЖАЛИГИ

2017 йилнинг январь-декабрида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 6317,7 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 106,6 фоизни, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачиликда 6201,6 млрд. сўмни, овчиликда 0,1 млрд. сўмни ва бу соҳаларда кўрсатилган хизматлар ҳажмида 85,6 млрд. сўмни, ўрмончилик хўжаликларида 6,6 млрд. сўмни (102,3 фоиз), балиқчилик хўжаликларида 23,8 млрд.сўмни (118,1 фоиз) ташкил қилди.


Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (кўрсатилган хизматларнинг) ишлаб чиқариш ҳажми ҳудудлар кесимида (млрд.сўмда)



(фоизда)




**Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматларнинг) ишлаб чиқаришнинг ҳажми хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши**  
(фоиз ҳисобида)




Хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлиллар қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматларнинг) умумий ҳажмининг 68,1 фоизи дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 30,0 фоизи фермер хўжаликларига ва 1,9 фоизи қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келмоқда.

**Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматларнинг) ишлаб чиқаришнинг ҳажми ҳудудлар кесимида тақсимланиши**  
(вилоят ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида)




**Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматларнинг) ишлаб чиқаришнинг ҳажми хўжалик тоифалари бўйича ҳудудлар кесимида тақсимланиши**  
(фоиз ҳисобида)



**Дехқончилик.** 2017 йилнинг январь-декабрида дехқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 4385,5 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 107,7 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида дехқончилик маҳсулотларининг улуши 69,4 фоизни ташкил этди.

**Дехқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши**  
(фоиз ҳисобида)



Хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлиллар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар умумий ҳажмининг 59,0 фоизи деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжалиқларига, 40,5 фоизи фермер хўжалиқларига ва 0,5 фоизи қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келади.

**Ҳосил йиғими.** 2017 йил январь-декабрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 664105 тонна дон ва дуккакли дон экинлари (100,5 фоиз), 279743 тонна картошка (114,3 фоиз), 983953 тонна сабзавот (101,8 фоиз), 231774 тонна полиз (111,5 фоиз), 154951 тонна мева (100,3 фоиз) ва 135890 тонна узум (100,3 фоиз) етиштирилди.



Барча ҳудудларда деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон ва фермер хўжалиқлари ҳисобига бўлиб, картошка ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 99,8 фоизни, дон экинлари, сабзавот ва полиз 99,4 фоизни, мевалар 99,3 фоизни, узум ишлаб чиқаришда 99,5 фоизни ташкил этди.

#### Асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда хўжалик тоифаларининг улуши




**Чорвачилик.** 2017 йилнинг январь-декабрида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 1816,1 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 104,4 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 28,7 фоизни ташкил этди.


2018 йил 1 январь ҳолатига 2017 йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар 105,3 фоизга (жами 940,1 минг бошни ташкил қилди), шу жумладан сигирлар 100,7 фоизга (329,9 минг бош), қўй ва эчкилар 105,7 фоизга (2208,4 минг бош), паррандалар 100,3 фоизга (3997,3 минг бош) кўпайди.




Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 94,5 фоизни, фермер хўжаликларида эса 4,8 фоизни, шу жумладан, сигирлар мос равишда 95,0 ва 4,6 фоизни, қўй ва эчкилар 81,9 ва 16,5 фоизни, отлар 79,4 ва 18,1 фоизни, паррандалар 61,0 ва 8,2 фоизни ташкил этди.

**2017 йил январь-декабрь ойларида барча тоифадаги хўжаликларда чорва моллари ва паррандалар бош сони (минг бош)**





2017 йилнинг январь-декабрда барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазн ҳисобида 177,7 минг тонна гўшт (2016 йилнинг январь-декабрга нисбатан 5,5 фоизга кўп), 810,0 минг тонна сут (3,6 фоизга кўп), 320,5 млн. дона тухум (2,8 фоизга кўп) ишлаб чиқарилди.




#### 2017 йил январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари

	минг тонна	ўсиш суръати, %
Гўшт (тирик вазнда)	177,7	105,5
Соғиб олинган сут	810,0	103,6
Тухум, млн. дона	320,5	102,8


Барча худудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 99,2 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 99,6 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 72,4 фоизни ташкил этди.



**2017 йил январь-декабрь ойларида чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби**  
(ишлаб чиқариш умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида)



**2017 йил январь-декабрь ойларида барча тоифадаги хўжаликларда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби**



**Surxondaryo viloyati statistika boshqarmasining  
Qishloq xo'jaligi va ekologiya statistikasi bo'limi**

Nashr uchun mas'ul: A.Dusnazarov

Aloqa telefoni: (0371) 230-85-77

(0376) 223-06-98